БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 205 (3943). | Жума, 18 октябрь 1968 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхозда машинада пахта териш ишлари намунали ташкил этилган. Айниқса комсомол-ёшлар бошқараётган «зангори кема»лар букерларидан ҳар куни 3,5-4 тоннадан «оқ олтин» тўкилаяпти. Суратда: ёш механизатор Ҳакима Анахўжаева.

И. Зайнуддинов фотоси.

ЯНАДА ҒАЙРАТ ҚИЛ, ПАХТАКОР

Кузнинг қисқа кунлари ўтиб бормоқда. Соатлар, минутлар ғанимат. Бугун кечагига қараганда қаттиқроқ, астойдилроқ ҳаракат қилишимиз, иш унумини оширишимиз, машиналар ҳаракатини тезлаштиришимиз керак. Ҳамманинг эътибори пахта териш ва тайёрлаш суръатини оширишга қаратилгандагина, бу ишда коммунистлар, комсомоллар, қишлоқларимиздаги ҳар бир киши шахсий намуна кўрсатиш учун фидокорона меҳнат қилгандагина пахта тайёрлаш тўғрисидаги маълумотлар одними тезлашади, хирмонларимизга барака киради.

Бобо деҳқонлар қимирлаган қир ошар деганлар. Бу гап худди шу кунларда маънодор ва мазмунли жаранглайди. Областимизда пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги маълумотки кўздан кечирганимизда кундалик пахта топширишда олдинга қараб эмас, орқага қараб кетаётганлигини кўриб ачинамиз. Кечагина 2,5-3 процентдан ва ундан ҳам ошириб пахта тайёрлаётган районлар салкам икки процентдан пахта топшираётганликлари яна ҳам ташвишлидир. Суръатни пасайтириш учун ҳеч қандай асос йўқ. Колхоз ва совхозларда терим машиналари, тўкилган пахталарни терадиган машиналар керагича бор. Одам кучи етарли. Афтидан кўпгина район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари ҳали ҳам «пахтамиз кечки бўлиб қолди», деган кайфиятда бўлсалар керак. Октябрнинг иккинчи ярми бошланган ҳозирги кунларда, «пахта яхши очилмаяпти», деган гапга ҳеч қандай асос йўқ. Аслида терим машиналари ва қишлоқлардаги бирча ишчи кучлари суръатни оширишга, ўтган йиллардаги сингари меҳнат намуналарини кўрсатиб ишлашга тўла сафарбар этилмаган.

Бу йил областимиз колхоз ва совхозларида 3870 та терим машинаси ишлаши керак. Агар мана шу машиналар билан кундалик норма ҳеч бўлмаганда тўла бажарилиб турилганда эди, областимизда камида кунига 3,5-4 процентдан пахта тайёрлаш имконияти туғилган бўлар эди. Афсуски бу машиналар, аввало, тўла ишлатилмаяпти. Буннинг устига кўп жойларда машиналарнинг иш унуми тошкентликларга хос эмас, жуда паст. Бир неча йилдан бери машъал деб ном олган Оққўрғон районида битта машинанинг бир кунлик иш унуми 960 килограммданга тўғри келаяпти. Бу рақамни кўриб машинада пахта териш ташаббускори ва бу йўлда ҳаммани қойил қолдириб келган оққўрғонликларга нима бўлди, деган қонуний савол туғилади. Худди шунингдек Янгийўлда ҳам, Бўкада ҳам машиналарнинг иш унуми ҳеч кимни мутлақо қаноатлантирмайди.

Биринчи терим тугаб, иккинчи терим бошланган шу кунларда ерга тўкилган пахталар миқдори бирмунча кўпайган. Ана шу ҳосилни тезда, нобуд қилмай териб олиш талаб қилинади. Бунинг учун ишчи кучларидан самарали фойдаланиш, тўкилган пахталарни терадиган машиналарни тўла ишга солиш энг муҳим вазифалардандир. Аммо кўпгина жойларда тўкилган пахталарни терадиган машиналарни яхши ишлатишга етарли аҳамият берилмаяпти. Масалан, Оққўрғон районида 235 та машинадан 196 таси ишламоқда. Бундай ҳолни Бекобод район хўжаликларида ҳам кўриш мумкин.

Оққўрғон, Бекобод ва бошқа районларда тўкилган пахталарни тезроқ териб олиш учун қайғурилмаяпти. Бу районлар ва совет ташкилотлари раҳбарлари жойларда ишни кўнгилдагидек ташкил этмаяптилар.

Машиналарни юқори унум билан ишлатиш зарур тадбирлардан экан, керакли жойларда қўл теримини ҳам ҳар тарафлама кучайтириш асосий вазифалардандир. Чунки машиналар яхши ишлолмайдиган жойларда пахтани қўл билан териш кўнгилдагидек йўлга қўйилмаса, табиийки, суръатга-суръат қўшилмайди. Бу жиҳатдан олиб қараганда Оржоникидзе районидаги аҳвол ниҳоятда ташвишлидир. Маълумки, бу районда уруғлик пахта етиштирилади. Машина терими оз миқдорни ташкил этади. Шунга қарамай район раҳбарлари барча ишчи кучларини пахта теримига тўла сафарбар этиш тўғрисида чинакамига ишламаётирлар. Мўлжалдаги уч минг киши ўринга базъи кунлари 800—850 киши пахта тераётир. Кейинги кунларда далада ишлаётганлар сони бирмунча кўпайган бўлса ҳам, лекин уларнинг иш унуми жуда паст. Бир кишининг терган пахтаси ўртача 33 килограммданга тўғри келаётир. Бу соҳада Янгийўл райони ҳам орқада қолмоқда. Районда пахта териш мумкин бўлган 16 минг киши бор. Афсуски буларнинг кўп қисми далаларга сафарбар этилмаган. Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Юқори Чирчиқ районларида ҳам қўл теримига мутлақо эътибор берилмаётир ва бу соҳадаги кундалик иш унуми жуда паст бўлмоқда.

Йиғим-теримнинг жуда масъулиятли даври ўтиб бормоқда. Плани ва социалистик мажбуриятимизни бажаришга етадиган, ҳатто ундан ҳам ошиб кетадиган ҳосил далаларимизда турибди. Бу пахталарни ёғинсочинга қолдирмай тезда териб олишимиз, қишлоқ хўжалик йилини ёруғ юз билан якунлаш учун ҳар биримиз астойдил курашишимиз керак.

Коммунистлар, комсомоллар ишда шахсан намуна кўрсатадиган давр келди. Қишлоқ меҳнаткашларининг, ҳамманинг жойи ҳозирги пайтда пахта далаларида бўлиши зарур. Машиналарнинг унумли ишлашини, одамларнинг кун сайин кўпроқ пахта теришини таъминлаш учун колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари уларга барча қулайликларни яратиб беришлари талаб этилади. Ўндай қилинсин, бундай қилинсин деган ҳавойи топшириқ берадиган пайт эмас. Топшириқлар конкрет ва ҳаётий бўлиши зарур.

Далаларимизда мўл ҳосил етиштирилганлигини илғор колхозлар йиллик планларини қисқа муддатда бажараётганлигидан ҳам билса бўлади. Планларини бажарганликлари тўғрисида рапорт бераётган хўжаликлар ишидан ўрнак олиб кун сайин унумлироқ меҳнат қилиш учун курашайлик.

Суръатнинг пастлигини «пахтанинг гози қолмади, яхши тош босмаяпти», деб хаспўшлаш мутлақо ўринсиздир. Бунинг ўрнига машиналар иш унумини оширайлик. Ҳар бир колхоз ва совхоздаги барча машиналарнинг тўла ва тўхтовсиз ишлашига эришайлик.

Мамлакатимиз кишилари беш йилликнинг учинчи йилини якунламоқдалар. Шу билан бирга В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун меҳнат намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар. Областимиз меҳнаткашлари, қишлоқ хўжалик ходимлари барча совет кишилари каби ана шу тарихий кунларга ўзларининг шахсий совғаларини тайёрлаш ҳаракатидалар. Областимизда тайёрланадиган 356 минг тонна «оқ олтин» ана шу кунларга бизнинг муносиб совғамиздир.

Партиямизнинг байрамолди Чақириқлари ҳар биримизни илҳомлантириб юборди. Пахтакор ва механизаторлар ана шу илҳомбахш Чақириқларга жавобан фидокорлик ва ғайрат кўрсатишлари. Октябрнинг шонли 51 йиллик байрами кунига қадар зиммадаги социалистик мажбуриятини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун курашишлари керак.

Тошкент пахтакори ҳамиша ўз сўзининг устидан чиқиб келган. Бу йил ҳам ваъдасига вафо қилиб она-Ватанга тезроқ ғалаба рапорти бериш учун бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилади.

ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ

Оққўрғон районидаги «Озод» колхози бу йил 710 гектар майдонда пахта етиштирди. Деҳқонлар ҳар гектаридан олинадиган ҳосилни пландагига нисбатан 10 центнерга оширишга аҳд қилганлар.

Одатда, машина билан пахта териладиган пайкалларнинг агрегат кирадиган ва чиқадиган жойларида пахта кўплаб тўкилади. Негаки, пайкал четидаги гўза ўсиқ ва қалин бўлади. Иккинчидан, пайкалга кириш вақтида машина шпинделлари зарур даражада айланмайди. Шунинг учун ҳам кўсаклардаги пахта тўла терилмайди, бир қисми ерга тўкилади.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилотчилари бу хусуда халқ назоратчилари билан маслаҳатлашди. Натижада пайкалнинг икки бошидаги пахтани 10—15 метр масофагача қўл билан териб олиш ташкил этилди. Бу ишни назоратчиларнинг ўзлари назорат қилиб турдилар. Кўрилган тадбир самарали бўлиб чиқди.

Бу йил колхозда 1980 тонна пахта машинада терилиши лозим. Механик ҳайдовчиларга ҳақ тўланганида уларнинг ерга пахтани ғамчалик тўкканликлари ҳам ҳисобга олинадиган бўлди.

Белгиланган тартибга мувофиқ, механик-ҳайдовчи бир гектар ерининг пахтасини терадиган бўлса, у уч центнергача пахтанинг тўкилишига йўл қўйиши мумкин. Агар тўкилган пахта миқдори бундан ошиб кетса ҳақ тўланмайди.

Шу кунларда колхозчилар машина теримидан сўнг ерга тўкилган пахтани теріб олмоқдалар. Уларга ҳам қанча пахта тергандикларига қараб эмас, балки, ҳар бир гектар ерни тозалаб чиққанликлари ҳисобга олиниб ҳақ ёзилади. Терилган пахта эса тортиб олинади. Бу иш ҳақ тўлаш учун эмас, аксинча, механизатор ишлаган вақтда бир гектар ерга қанча пахта тўкканлигини аниқлаш учун қилинади. Шунинг учун ҳам механизаторлар пахтани шошилмасдан, тоза ва тўкмасдан теришга интилмоқдалар.

Ҳар бир механик-ҳайдовчи — назоратчи ҳамдир. Бегимқул Эгамқулов, Дўсан Пармонов, Мирғани Ҳасанов, Бакир Алимонов, Тўхтаохун Наврўзов сингари механик-ҳайдовчилар ҳозиргача, 50 — 60 тоннадан пахта тердилар.

Халқ назоратчилари механик-ҳайдовчилар иш бошлашдан олдин уларнинг машиналарини кўздан кечириб чиқадилар. Агар машинага тўкилган пахтани терадиган аппарат ўрнатилмаган бўлса, у пайкалга қўйилмайди. Машина юриб ўтган пахтазорлардаги тўкилган пахтани тезроқ териб, тозалаб тайёрлов пунктларига жўнатиш ишига алоҳида эътибор берилади.

Назоратчиларнинг таклифи билан прицепларга ортилган пахта йўл-йўлакай тўкилмаслиги учун ҳам зарур тадбирлар белгиланди. Прицепларнинг усти шолчалар билан ёпиб қўйилади. Илгаларни пахта йўл-йўлакай дарахт шохларига илиниб нобуд бўларди. Йиғим-теримни бошлашдан олдин бунинг ҳам чораси кўрилди. Назоратчилар колхоз правлениеси билан келишиб пахта ташиладиган йўлларди дарахтларнинг паст томонга ўсиб тушган шохшаббаларини кесиб ташладилар. Шунингдек, участкалар ўртасидаги пахта ташиладиган йўллар, хирмон атрофларидаги тўкилган пахталарни териб олиш учун 5 кишидан иборат махсус пост иш олиб бормоқда.

— Мақсадимиз, — дейди халқ контроли группасининг раиси Т. Мусабеков, — етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай, йиғиб-териб олиб, планинг бажарилишига тезроқ эришишдан иборат, бу шарафли ишда назоратчилардан Д. Омонов, Т. Мавлонов, К. Бекмуродов, Қ. Алишев ўртоқлар яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ.

ИЛҒОРЛАРГА ҚЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети пахта йиғим-теримини ташкил этиш ва уни давлатга сотиш юзасидан районлар, колхоз ва совхозлар ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобақанинг октябрь ойи учинчи беш кунлиги якунларини кўриб чиқдилар. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг Кўчма қизил байроғи **Ўрта Чирчиқ районига** (район партия комитетининг секретари **Мирахмедов**, район ижроия комитетининг раиси **Назаров**, район қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи **Ортиқхўжаев**, район комсомол комитетининг секретари **Мирёқубов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Мелик-Карамян** ўртоқлар берилди. Бу район беш кунликда пахта тайёрлашда 11,49 процент, машина теримида 14,20 процент ўсишга эришган ва мавсум бошидан буён пахта тайёрлаш планини 66,64 процент, машина терими планини 80,73 процент бажарган. Байроқ Юқори Чирчиқ районидан олиб берилди.

Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг Кўчма қизил байроғи Бўка районидаги **1.«Пискент» совхозига** (директори **Мирзаев**, партия ташкилотининг секретари **Абдуҳакимов**, ишчилар комитетининг раиси **Иномов**, бош агрономи **Ғозиев**, бош инженери **Турдиохунов** ўртоқлар) берилди. Бу совхоз беш кунликда пахта тайёрлашда 11,09 процент, машина теримида 13,36 процент ўсишга эришган ва мавсум бошидан буён давлатга йиллик планнинг 58,86 процентини миқдорида пахта топширган, машина терими планини 68,77 процент бажарган. Байроқ шу райондаги «Бўка» совхозидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг Кўчма қизил байроғи Ўрта Чирчиқ районидаги **Охунбобоев номли колхозга** (раиси **Рўзиматов**, партия ташкилотининг секретари **Пўлатов**, бош агрономи **Исҳоқов**, бош инженери **Тян** ўртоқлар) берилди. Бу колхоз мавсум бошидан буён пахта тайёрлаш планини 78,68 процент, машина терими планини 135,9 процент адо этган ва беш кунликда пахта тайёрлашда 15,20 процент, машина теримида 33,32 процент ўсишга эришган. Байроқ Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозидан олиб берилди.

* * *

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети давлатга сабзавот, картошка, мева, узум ва полиз экинлари маҳсулотлари сотиш юзасидан районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобақанинг октябрь ойи биринчи ярми якунларини кўриб чиқдилар. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг Кўчма қизил байроғи **Оққўрғон районига** (район партия комитетининг секретари **Тонров**, район ижроия комитетининг раиси **Обидов**, район қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи **Сонбназаров**, район комсомол комитетининг секретари **Хўжақулов**, тайёрлов идорасининг директори **Ҳаметов** ўртоқлар) берилди. Бу район октябрь ойининг биринчи ярмида давлатга сабзавот сотишда 22,1 процент, картошка сотишда 4,8 процент, мева сотишда 9,6 процент, полиз экинлари маҳсулотлари сотишда 10,7 процент, узум сотишда 42 процент ўсишга эришган. Мавсум бошидан буён давлатга сабзавот сотиш планини 120,3 процент, картошка сотиш планини 21,3 процент, мева сотиш планини 59,7 процент, полиз экинлари маҳсулотлари сотиш планини 111,8 процент ва узум сотиш планини 79,2 процент бажарган. Байроқ Калинин районидан олиб берилди.

Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг Кўчма қизил байроғи Ўрта Чирчиқ районидаги **1-«Оҳангарон» совхозига** (директори **Ғуломов**, партия ташкилотининг секретари **Давлатов**, ишчилар комитетининг раиси **Бўриев**, бош агрономи **Умурзоқов** ўртоқлар) берилди. Бу совхоз октябрнинг биринчи ярмида давлатга сабзавот топиришда 17,3 процент, картошка топиришда 14,5 процент, мева топиришда 0,2 процент, узум топиришда 3,6 процент, полиз экинлари маҳсулоти топиришда 18,1 процент ўсишга эришган. Мавсум бошидан буён давлатга сабзавот топириш планини 74,9 процент, картошка топириш планини 45,7 процент, мева топириш планини 12,9 процент, узум топириш планини 15,6 процент, полиз экинлари маҳсулотлари топириш планини 79,7 процент бажарган. Байроқ шу райондаги «Олмалиқ» совхозидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг Кўчма қизил байроғи Оржоникидзе районидаги **«Қизил Ўзбекистон» колхозига** (раиси **Эгамназаров**, партия ташкилотининг секретари **Соатов**, бош агрономи **Олиференко** ўртоқлар) берилди. Бу колхоз октябрнинг биринчи ярмида давлатга сабзавот сотишда 9,2 процент, картошка сотишда 0,3 процент, полиз экинлари маҳсулотлари сотишда 3,2 процент, мева сотишда 8 процент, узум сотишда 24,8 процент ўсишга эришган. Мавсум бошидан буён давлатга сабзавот сотиш планини 75,3 процент, картошка сотиш планини 80 процент, полиз экинлари маҳсулотлари сотиш планини 172,8 процент, мева сотиш планини 28,7 процент, узум сотиш планини 69 процент бажарган. Байроқ Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозидан олиб берилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорига биноан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг пахта тайёрлаш юзасидан қизил байроқлари доимий сақлаш учун 1968 йилда пахта етиштириш ва топшириш планининг анча ошириб бажарилишини таъминлаган областлар, районлар ва совхозларга берилади.

Ана шу байроқларга қўшиб область илғорларини рағбатлантириш учун 5000 сўм пул, 20 та юк автомашинаси ва 5 та енгил машина, 20 та мотоцикл; район илғорларини рағбатлантириш учун 1000 сўм пул, 3 та юк автомашинаси ва 2 та енгил автомашина, 5 та мотоцикл; совхоз илғорларини рағбатлантириш учун 500 сўм пул, битта юк автомашинаси ва битта енгил автомашина, иккита мотоцикл берилади.

ТАЙЁРЛОВЧИЛАР ЮТУҒИ

Ўрта Чирчиқ район матлубот жамияти қошидаги тайёрлов бўлими сабзавот тайёрлаш планини ошириб бажарди.

Ҳозиргача 7935 ўринга колхоз ва совхозлардан 9240 тонна сабзавот қабул қилиб олинди. Планда кўрсатилганидан 1147 тонна кўп помидор, 1894 тонна кўп пиёз тайёрланди.

Тайёрлов бўлимига 1.«Оҳангарон», «3-«Оҳангарон» совхози кўп маҳсулот етказиб бердилар. Айниқса «3-«Оҳангарон» совхози тайёрлаш планини 148 процент қилиб бажарди.

Мавсумда 7 та тайёрлаш пункти ишлаб турди. Ким Антон мудирлик қилаётган Оҳангарон пункти, Саиджаббор Бекзоқов мудирлик қилаётган Тўйтепа тайёрлов пунктлари яхши ишладилар. Сабзавот маҳсулотларининг сифатли бўлишига эришдилар.

Тўйтепа ва Оҳангарон селъпоплари колхозчиларидан якка тартибда сабзавот маҳсулоти қабул қилиш планларини ошириб бажардилар. Улар ҳозиргача колхозчилардан ва совхоз ишчиларидан 170 ўрнига 200 тонна сабзавот қабул қилиб олдилар.

Район тайёрлов бўлими тайёрланган маҳсулотларни Олмалиқ, Оҳангарон, Янгиободга шунингдек, Узоқ Шарқ, Сибирь, Чита шаҳарларига ва бошқа жойларга юборди.

Бу йил тайёрлов бўлими 2365 тонна картошка қабул қилиши керак. Шу кунгача 2010 тонна картошка қабул қилиб олди.

— Картошка тайёрлаш плани ҳам сўзсиз бажарилади, кечки картошка қазиш давом этяпти,— дейди Ўрта Чирчиқ район тайёрлов бўлимининг бошлиғи Марқавой Пардаев.

А. Н. КОСИГИН ПРАГАГА КЕЛДИ

ПРАГА, 16 октябрь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан бугун Прагага келди. СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали А. А. Гречко, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов А. Н. Косигин билан бирга бу ерга келдилар.

СОВЕТ—ЧЕХОСЛОВАКИЯ ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНДИ

ПРАГА, 16 октябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда СССР ҳукумати билан Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати ўртасида Совет қўшинларининг Чехословакия территориясида вақтинча бўлиши шартлари тўғрисида шартнома имзоланди.

Шартномани Совет Иттифоқи номидан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, Чехословакия Социалистик Республикаси томонидан ЧССР ҳукуматининг Раиси О. Черник имзоладилар.

Шартнома шу йил 23-26 августда, 3-4 октябрда Москвада бўлиб ўтган, шунингдек шу йил 16 октябрда Прагада бўлиб ўтган Совет—Чехословакия музокаралари вақтида эришилган шартларга ва шу йил 3 августдаги Братислава кенгаши баёнотига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Шартномани томонлар ратификация қилганидан кейин у эълон қилинади.

Шартномани имзолаш вақтида А. Н. Косигин билан О. Черник нутқ сўзладилар.

Чақириқдан руҳланиб

Ушбу суратда. тўкилган пахтани терадиган машинанинг ишлаши акс этдирилган.

Б. Ғафуров фотоси.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Чақириқлари пахтакорларимиз меҳнат кўтаринкилигини янада ошириб юборди.

Сиёсий ташкилотчилар бу хўжаликда Улуғ Октябрь байрамини меҳнат совғалари билан кутиб олишдаги вазифалар ҳақида пахтакорлар ўртасида кенг тушунтириш олиб боришяпти. Шу билан бирга ҳар қайси участка ва звенода қилинаётган ишлардан теримчиларни хабардор қилиб туришибди.

Комплекс механизациялашган звенонинг бошлиғи Йўлдош Аширбоев биз билан суҳбатда бундай деди:

— Коллективимиз улуғ Октябрь байрамини муносиб совға билан нишонлашга аҳд қилиб, теримни жадаллаштиряпти. Ваъдамиз — ҳар гектар ердан 30 центнердан «оқ олтин» топшириш. Даламиздаги мўл ҳосил сўзимизнинг устидан тўла-тўкис чиқишимизга гувоҳлик бериб турибди.

Ўзим «зангори кема» рулига ўтириб, кунига терим нормасини бир ярим бараварга етказиб адо этяпман. Мавсумда юз тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олдим. Ҳозир 80 тонна пахтани хирмонга тўкиб қўйдим. Қолган тонналарни ҳам яқин кунлар ичида териб оламан.

Аъзоларимиз ўртасида кўпмнг килограммчилар сони тобора кўпайиб боряпти. 3—4 тонна пахта терган чевар теримчиларимиз анчагина бор. Ш. Нуржонова, С. Алибоева, каби аёлларимиз кунига 200 килограммга етказиб пахта теришяпти. Кундалик график доимо ошириб бажариляпти. Эрта-индин планимиз албатта бажарилади. Зиммага олган мажбуриятимизни ҳам узоғи билан бир ҳафта ичида адо этамиз.

Звено далаларини айланганимизда колхозчиларнинг астойдил меҳнат қилаётганлигини кўрдик. Терилган пахталар пешма-пеш қуритилиб, тайёрлов пунктига тўхтовсиз жўнатилиб турибди. Деҳқонлар ҳосилни биринчи сортларга топширяптилар.

Улуғ байрамни ҳар гектар ердан 28 центнердан пахта топириш билан нишонлаш учун курашаётган М. Валиев бошлиқ комплекс механизациялашган звено аъзолари ҳам отни қамчилашяпти. Бу ердаги ишга яроқли барча куч йиғим-теримга сафарбар этилди. Ҳар бир теримчи кунлик нормасини бажармасдан туриб даладан қайтмаяпти. Тошбул Мамараҳимов, Венера Зелаева бошлиқ нарядсиз звеноларнинг пахтакорлари ахдларига яраша меҳнат қилишяпти.

Янгийўл районидаги Жданов номли колхоз деҳқонлари бу йил ҳар гектар ердан пландаги 25 ўрнига 30 центнердан «оқ олтин» топиришга бел боғлашган. Улар социалистик мусобақани тобора кенг қулоч ёйдиряптилар. Байрамолди социалистик мусобакада голиб чиқаётганлар кундан-кунга кўпаймоқда.

Кунига 3—3,5 процент миқдорида «оқ олтин» топириш ҳар бир звено ва участканинг муҳим вазифаси қилиб қўйилган.

Э. ҚОДИРОВ.

356.000 тонна пахта учун

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 17 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатав процент ҳисобида)

Районлар	Пахта тайёрлаш		Машина терими	
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Бир кунда	Мавсум бошидан бери
Юқори Чирчиқ	1,92	82,31	3,09	140,80
Оққўрғон	1,84	76,85	1,76	84,77
Бўка	1,74	73,39	1,87	80,18
Ўрта Чирчиқ	2,17	68,81	2,87	83,60
Бекобод	1,68	64,34	1,73	70,67
Янгийўл	1,76	56,81	1,96	56,97
Оржоникидзе	2,00	41,71	3,90	61,90
Область бўйича	1,84	68,84	2,06	79,31

НИКОЛАЙ ЖУКОВ ЛЕНИННИНГ РАСМИНИ ЧИЗАДИ

СССР халқ артисти Николай Николаевич Жуков чорак асрдан буён Ленининг расмини чизади. Бу вақт ичида у Ленин ҳақида бир ярим мингдан ортиқ асар яратди.

Уларнинг бир қисми «Владимир Ильич Ленин» альбомига киритилган. Бу альбом яқинда «Московский художник» нашриётида кўп нусхада босиб чиқарилди.

Альбомда В. И. Ленининг гимназиядаги йиллари, акаси Александрнинг қатл қилиниши, Самара даври, Ленин Шушинское ва Разливда бўлган йиллар тасвирланган расмлар бор. Бундан ташқари рассомнинг Ленининг ҳамиша халқ билан бирга бўлганлигини кўрсатувчи сюжетли композициялари ҳам бор. Ленин—трибун, Ленин матрослар билан, Ленин комсомоллар орасида каби мавзулардаги суратлар шулар жумласидандир.

Мария Прилежаева альбомга кириш сўзида шундай деб ёзган: «Н. Жуков расмларда Ленининг инсонийлиги ҳақида талант билан ҳикоя қилиб берганки, бунинг учун мен беғиҳоя миннатдорман».

Доҳий ҳақидаги қатор таъсирчан расмларнинг автори Н. Жуков буюк инсоннинг ташқи кўринишини аниқ чизиш билан бирга унинг ички дунёсини равшан кўрсатиб бера олган.

Мазкур альбом яқинда Тошкентнинг китоб киоскаларида пайдо бўлди. У дарҳол кишилар эътиборини ўзига жалб қилди. Таниқли совет рассоми ўзининг бу графика асарларини В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаган.

О. АПУХТИН.
Автор фоторепродукцияси.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИ

Колхоз далаларида терим кун сайин авж олмоқда. Узаро социалистик мусобақада коммунистлар бошлиқ бригада ва звеноларда пешқадамлик қилмоқдалар.

— Участкамиз деҳқонлари, — дейди Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхози 2-участкаси бошланғич партия ташкилотининг секретари М. Номозов. — Ҳар гектардан 36 центнердан пахта топшириш учун курашмоқдалар.

Айниқса Қ. Сулаймонов, М. Субонов, Т. Товбаев, Т. Абдураззоқов ўртоқлар бошлиқ звеноларда терим намунали ташкил этилган.

Партия комитети далада ишлаётганлар учун ҳамма шароитни яратиб беришга ҳаракат қилмоқда. Социалистик мусобақанинг изчиллиги учун курашилянти.

Б. Шорахмедов, Ш. Темиров, М. Меҳриев каби механик-ҳайдовчилар мавсумда 100 тоннадан «оқ олтин» териш учун бел боғлаганлар. Улар ана шу мақсадда ҳар соатдан унумли фойдаланиб, кун сайин хирмонинг кўтарилишига ҳисса қўшмоқдалар.

Бу ерда далада ишлаётганлар учун ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган. Болали оналар унумли меҳнат қилиш имкониятига эга. Улар учун уч жойда намунали ясли ва боғча ишлаб турибди. Дала шийпонлари колхозчиларнинг иккинчи дам олиш уйига айлантирилган.

СНЕСИН АХБОРОТЧИЛАР

«Келес» совхози партия комитети хўжалик ишларини партиявий-ташкилий ишлар билан узвий равишда боғлаб олиб бориб, яхши натижаларга эришмоқда.

Йил бошида бу ерда оммавий-снёсий ишларга оид тадбирлар қайта кўриб чиқилди. Бригадаларга ва хонадонларга бириктилган снёсий ахборотчи ва снёсий ташкилотчилар фаолияти билан таниширилиб, улар партия мажлисида тасдиқдан ўтказилди. 13 снёсий ахборотчи бригадаларга тақсимланди. Улардан 11 киши коммунистлардир. Снёсий ташкилотчиларнинг беш кишидан иборат совети тузилган. 30 снёсий ташкилотчи совхознинг 365 хонадонига бириктирилди.

Партия комитети дастлабки кунданоқ снёсий ахборотчи ва ташкилотчилар фаолияти устидан назорат ўрнатди. Уларнинг ахборотлари, лекция ва суҳбатларининг мазмуни билан қизиқиб борилади, керакли ёрдам ва маслаҳатлар берилади.

А. Ражаббоев, Р. Устименко каби снёсий ахборотчилар айниқса, жонбозлик кўрсатмоқдалар. Уларнинг бригада ва хонадонларда ўтказаётган лекция ва суҳбатлари кўпчиликка маъзур бўлянти. Ҳозирги кунда снёсий ахборотчилар В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш юзасидан суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Совхоз партия комитети оммавий-снёсий, ташкилий ишларни жонлантиришда турли хил усуллардан фойдаланмоқда. Бригадаларда кўргазмали агитацияга кенг ўрин берилган. Ҳар бир бригадада «Ҳурмат тахтаси» ва «Кўрсаткич тахтаси» бўлиб, уларда социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши, илғорлар эришаётган ютуқлар акс эттириб борилади. Ана шу сингари ташкилий-партиявий ишлар совхоз ишлаб чиқаришининг юксалишига самарали таъсир кўрсатмоқда.

ШОЛИ ЕТИШТИРИШНИ КУПАЙТИРАЙЛИК

Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхози зиммасига аҳолига шоли етказиб бериш вазифаси юклатилган. Бу вазифанинг муваффақиятли бажарилишига коммунистлар қўшаётган ҳисса салмоқлидир.

Совхоз партия комитети ҳисобида 64 коммунист бор. Улардан 11 киши олий маълумотли. Уч киши тўлиқсиз олий маълумотга эга. Партия комитети коммунистларга таяниб ташкилий-снёсий ишларни кучайтирди. Асосий эътибор шоли экишни ва уни парваришлашни намунали ўтказишга қаратилди. Натижада анчагина майдонларда шолидан мўл ҳосил етиштирилди.

Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида Григорий Тен, А. Чжен сингари коммунистлар бошлиқ бригадаларнинг ишлари алоҳида қайд қилинди. Улар ўтган йили ҳар гектаридан 26-40 центнердан ҳосил етиштирдилар. Коммунист ўртоқ К. Ҳолиқулов бошлиқ бўлим ҳам социалистик мусобақада пешқадамлик қилди.

Коммунистлар илғорлар номини айтиб ўтиш билан бирга қолоқларни ҳам танқид қилдилар. Совхознинг учинчи ва, тўртинчи бўлимларининг бошланғич партия ташкилотлари оммавий-снёсий ишларни сусайтириб юборганликларига оид мисоллар келтирилди.

Беш йилликнинг учинчи йилида совхоз меҳнаткашлари олдида катта вазифалар турибди. Улар 3200 тонна шоли йиғиб олишлари керак. Бу вазифани бажариш учун коммунистларнинг авангардлигини ошириш, халқ контроли группаси фаолиятини яхшилаш, социалистик мусобақани ҳар тарафлама авж олдириш лозим.

Узумни механик усулда қуритиш биринчи марта республикамизда татбиқ этилди. Мевалар иссиқ ҳаво ёрдамида қуритилади. Бир тонна узумни қайта ишлаш учун бир сутка кифоя қилади. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти ва ЎзССР Фанлар академияси механика ва зилзилага чидамли иншоотлар институти илмий ходимлари маҳсус агрегат тайёрладилар. Бу агрегатда олма, шафтоли, олхўрини ҳам қайта тайёрлаш мумкин. Суратда: қуритиш установкаси.

И. Душкин фотоси. (ЎзТАГ).

ИЖРОКОМДАН ТАШҚАРИДА ҚАБУЛ

Маҳаллий Советлар, уларнинг ижроия комитетлари ва доимий комиссиялари гражданларнинг конституцион ҳуқуқларини ҳамиша, изчил ҳимоя қилишлари, ўз территорияларидаги корхона ва муассасаларда кишиларнинг шу ҳуқуқ ва бурчларининг бузилишига йўл қўймаслик учун курашишлари лозим.

Маълумки, меҳнаткашларнинг хатлари партия билан халқ ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун хизмат қилади. Шу сабабли ҳам партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг хат ва шикоятларига муносабатда бўлишда ленинча принципга қаттиқ риоя қилишни доимо талаб қилиб келмоқда.

Бу соҳада Фрунзе район ижроия комитети ва унинг депутатлари бошлаган ибратли ташаббус мақтовга лойиқ. Район ижроия комитети ва унинг депутатлари меҳнаткашларни қабул қилиш, уларнинг таклиф ва мулоҳазалари, аризаларини ўз вақтида синчковлик билан кўриб чиқиб, эгаларига жавоб бериш борасида ибратли ишларни амалга оширишмоқда.

Ижрокомнинг барча бўлимларида ва депутат хоналарида гражданларни қабул қилиш қатъий интизом билан тартибга солиб қўйилган. Фақат ижрокомдагина эмас, балки вақти-вақти билан район саноат корхоналарида, қурилиш ташкилотларида ҳам сайловчиларнинг истаклари билан қизиқилади. Уларнинг ариза ва таклифлари ўрганилиб, ўша жойнинг ўзида ҳал қилинади. Лозим топилса комиссиялар орқали текширилиб, қисқа муддат ичида ҳар қандай масала ҳал этилади.

Меҳнаткашларнинг таклифлари ариза ва шикоятларига ана шундай сезгирлик билан муносабатда бўлиш, уларни ўз вақтида ҳал этиш фақат совет ходимларининг гина эмас, балки саноат корхоналари, муассаса ва ташкилот раҳбарларининг ҳам биринчи галдаги вазифасидир.

Хўш, ижрокомдан ташқарида, яъни район саноат корхоналарида ишчи ва хизматчиларни қабул қилиш тартиблари қандай йўлга қўйилган? Уларнинг ариза ва шикоятларига муносабат қандай?

Фрунзе район ижроком аъзолари ва депутатлари навбатдаги ўтказилган сессия олдидан ана шу масала билан таниши, ибратли ташаббус бошлашди. Район Советининг ижроия комитети бўлажак сессия олдидан, райондаги йирик саноат корхоналарига, барча маҳалла ва квартал комитетларига мурожаат қилиб, кишиларнинг таклифлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартибларини янада ахшилаш билан боғлиқ бўлган ўз мулоҳазаларини, таниқли фикрларини билдиришларини сўради.

Шу муносабат билан тузилган 10 та депутатлар группаси райондаги бир қатор йирик саноат корхоналарида бўлиб, меҳнаткашларни қабул қилиш тартиблари, ариза ва шикоятларга бўлган муносабатлар билан таниши чиқди. Текширишда қатор саноат корхоналарида сайловчиларнинг ариза ва шикоятлари, таклифларига нисбатан жуда тўғри, инсонпарварлик руҳи билан муносабатда бўлинаётганлиги аниқланди.

«Таштекстильмаш» заводи — районда энг йирик саноат тармоқларидан бири. Ўртоқ З. Назиров директорлик қилаётган бу даргоҳда ишчи-хизматчиларнинг истак ва талаблари, мулоҳазалари вақтида ҳисобга олинади. Қабул кунлари ҳам мунтазам равишда кечикмай ўтказилади. Шу сабабли ўтган саккиз ой давомида завод ишчи ва хизматчиларидан тушган 246 та аризадан 200 дан ошиғи қониқарли ҳал қилинди.

Шу заводнинг уй-жой коммунал бошқармасига Ўртоқ Паробов раҳбарлик қилади. Заводга қарашли уйларда яшовчи ишчи ва хизматчилардан унинг номига 50 та ариза тушган эди. Бу аризаларнинг кўпчилиги уй-жойларни ремонт қилишга оид эди. Бошқарма раҳбарлари ишчиларнинг бу ҳақли талабларини кечиктирмай, ўз муддатида кўриб чиқишди ҳамда ишчилар яшаётган уйлар сифатли ремонт қилиб берилди.

Бу соҳада металл фурнитур заводи раҳбарларининг иш фаолиятини ҳам мақтаса арзийди. Завод раҳбарлари ишчиларнинг ариза ва шикоятлари, таклифларига нисбатан тўғри, одилона, принципал муносабатда бўлишмоқда. Ўтган саккиз ой мобайнида завод ишчиларидан тушган 110 га яқин ариза ва шикоят ўз муддатида ижобий ҳал қилинди.

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

Шуниси қувончлики, корхонада ишчилардан тушган ариза ва шикоят, таклиф ҳамда мулоҳазалар рўйхат дафтарида қайд қилинади. Улар кимнинг номига ёзилган бўлса, кечиктирилмай хат эгасига етказилади. Завод ҳар бир раҳбарининг, у директор бўлмасин завод касаба союз комитети раиси ёки хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари бўлмасин, қабул кунлари белгилаб қўйилган.

Ишчи ва хизматчиларнинг ариза ва шикоятларига нисбатан Тошкент тўқимачилик комбинати раҳбарлари ҳам тўғри муносабатда бўлишмоқда. Комбинат директори, фабрика ва бўлим раҳбарлари номига келган ҳар бир таклиф, таниқлий мулоҳазалар, шикоятлар у ёки бу ёки ёзма равишда бўлмасин, доимо журналларда қайд қилиб борилади. Ариза ўз мазмунига қараб, тааллуқли кишиларга тақсимланади. Шу билан бирга унинг бажарилиши устидан контроллик ҳам олиб борилади. Шу бонсдан ҳам сайловчиларнинг уй-жойларини ремонт қилиб бериш ҳамда ишчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишини яхшилаш билан боғлиқ 66 та аризанинг деярли ҳаммаси қониқарли адо этилган.

Афсуски, комбинат директорининг маиший ишлар бўйича ўринбосари ўртоқ А. Муҳамедовнинг кишиларнинг хатларига нисбатан бўлган муносабатида юқоридаги ҳолнинг аксини кўриш мумкин. Тўғри, ўртоқ Муҳамедов ҳафтада икки марта ишчиларни қабул қилади. Лекин, унинг қабулига иш ёки зарур мулоҳаза билан келган ишчилар рўйхатга олинмайди. Қабул кунлари неча киши қандай ариза ёки шикоят билан келди, унинг талаби қандай қондирилди? Бу саволларга жавоб топиш қийин бўлди.

Ҳар бир хат ва ариза орқасида инсон бор. Ҳар бир кишининг ўз дарди, мулоҳазаси ва таклифи бўлади. Кишиларнинг ана шу истак ва мулоҳазаларига бундай совуққонлик билан қараш комбинатнинг ўртоқ Емелин директорлик қилаётган фабрика раҳбарлари фаолиятида ҳам кўп учрамоқда. Қайси ишчи қандай ариза ёки таклиф билан келди, у қачон, ким томонидан, қандай ҳал қилинди? Бу соҳада ҳеч ким контроллик олиб бормайди.

Жумладан, гражданин Бобожонов шу йилнинг 2 апрелида уй-жой билан таъминлашни сўраб ариза берган эди. Аризага орадан икки ой ўтгандан кейингина салбий жавоб берилган. Энди шундай савол туғилади. Бобожоновга ҳозир уй бериш лозим топилмаган экан, нима учун унинг аризасига шунча кечикиб жавоб берилди?

Худди шунингдек Б. Рибаковнинг ўз уйини кенгайтириб бериш ҳақида ёзган аризасига ҳам орадан 77 кун ўтгандан кейин «Иўқ, кенгайтириб берилмайди» мазмунида жавоб берилди. Богдан Хмельницкий кўчаси 50-уйда яшовчи гражданин Любимованинг аризаси фабрика касаба союз комитетида бир неча ойгача ранг босиб, ҳаракатсиз ётганлигига нима деб баҳо бериш мумкин?

Шу йил 5 августда Ткачи кўчаси 5-уйда яшовчи Буточкина комбинат коммунал бўлими раҳбарларига кийиб қолган газ колонкасини ўзгартириб беришларини сўраб, ариза беради. Шундан буён мана орадан икки ойдан ортиқ вақт ўтди. Хўш, ўртоқ Буточкининг аризасига ҳоҳ салбий, ҳоҳ ижобий жавоб берилдими? Иўқ. Унинг талабини қондириш ҳақида ҳали ҳеч ким бош қотирган эмас.

Ўйлайманки, район Совети депутатлари баъзи саноат корхоналарида кишиларни қабул қилиш ва уларнинг талаб-истакларини ҳисобга олишда йўл қўйилган юқоридаги камчиликларни тугатишда ёрдам берадилар.

Бизда кишилар фақат ўз манфаатларинигина эмас, балки умумхалқ манфаатини кўзлаб ҳамма турли ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилади. Коммунистик партия бмманинг бу ташаббусини ҳар доим юқори баҳолаб келмоқда. Меҳнаткашларнинг бундай ариза ва шикоятларига ленинча принципиаллик билан муносабатда бўлиш, ҳар бир хатга сезгирлик билан қарашда Фрунзе район ижроия комитети ва унинг депутатлари яхши фаолият кўрсатмоқдалар.

А. ШАЙХОВ.

ОКТЯБРЬ ВАХТАСИДА

4-автомобиль ремонти заводи коллективи Олмалиқ шаҳар саноат корхоналари ўртасидаги ўзаро мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Ремонтчилар иш сўратини тезлаштириш, ремонт ишлари таннархини қамайтириш борасида яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ойлик ишлаб чиқариш топшириқлари муттасил ортиғи билан адо этилмоқда.

Пешқадам корхона коллективи ишлаб чиқариш жараёнларини тинмай механизациялаш, илғор иш методларини қўлланиш туфайли беш йиллик учинчи йилининг ўтган уч квартали давомида қўшимча бир неча автомашинани ремонтдан чиқарди. План 110 процентдан орттириб бажарилди.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллиги муносабати билан чиқарган Чақириқлари корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг ғайратини янада мавж урдириб юборди.

Ҳар бир ремонтчи янада жадал ва сифатли меҳнат қилишга интилмоқда. Бу эса меҳнатда янги-янги муваффақиятларга эришиш гаровидир.

М. ХАМИДОВ.

КОМСОМОЛЛАР ТУҲФАСИ

Тошкент трикотаж фирмаси комсомол ёшлари ВЛКСМнинг шонли 50 йиллик юбилейини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олмоқдалар.

Тикувчи моористкалардан М. Яхёева Х. Қосимова, Т. Паринкова каби кўплаб комсомоллар шу кеча-кундузда янги йилнинг январь, февраль ойлари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Тўқув ва бичув цехи комсомол ёшларидан М. Мусаева, С. Нурмуҳамедова, М. Насриддинова ўртоқлар ҳам ВЛКСМнинг 50 йиллиги шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, йиллик планни ҳозироқ бажариб қўйганлар.

Фирма комсомол ёшлари меҳнатда илғор бўлишлари билан бирга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз билимларини ҳам оширмоқдалар. Кўплаб ёшлар махсус ўрта ва олий ўқув юртларида таҳсил кўрмоқдалар. Айни пайтда комсомоллар жамоатчилик ишларида ҳам актив иштирок этмоқдалар.

Фирма комсомоллари шонли 50 йилликка бағишлаб ёзувчи А. Фадеевнинг «Ёш гвардия» асарини саҳналаштирдилар. Юблейи кунлари бу драма коллектив ўртасида намойиш этилади. Шунингдек, катта программада концерт ҳам қўйиб берилади.

Ҳозир корхонада юбилейолди учрашувлари бўлиб ўтаяпти. Яқинда фирма комсомоллари Октябрь районидаги 20-мактаб ўқувчилари билан учрашдилар. Пионерлар корхонадаги ўз опалари ва акалари бажараётган ишлар билан таништилар ўз навбатида пионерлар комсомолларга муносиб ўринбосар бўлажаклари ҳақида қасамёд этдилар.

Шундан сўнг 30—40—50-йиллар комсомоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Бу учрашувга ветеран комсомоллардан К. Худойбердиев, В. Корасёва, М. Қодирова, М. Шайхова ўртоқлар таклиф этилган эдилар. Ветеранлар ёшларга ўз даврлари ҳақида, ўша йилларда комсомоллар бажарган ажойиб ишлар ҳақида сўзлаб бердилар.

Юбилейгача яна бир қатор шундай учрашувлар ўтказиш белгиланган. Бу ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатаяпти.

Ш. ШОАЛИМОВ.

НОН ЗАВОДИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНДИ

ЯНГИЙЎЛ, 15 октябрь. (ЎзТАГ). Янгийўл нон заводи реконструкция қилиниб бўлди. Булка ва гарчицали нон ёпиладиган печ такомиллаштирилди, тешик кулча пиширувчи механизациялаштирилган линия ўрнатилди. Сув ва тузни автомат равишда ўлчайдиган иднишлар, дозалаш станцияси, хом ашёни аниқ дозалайдиган эритма ўзеллари монтаж қилинди.

Бу йил нон заводи коллективи 7 хил маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, уларни пишириб чиқармоқда. Ҳозир корхона коллективи миллий нонлар ёпишга тайёргарлик кўрмоқда.

ҚОЛОҚЛИКДАН ИЛҒОРЛИККА

Келесдаги бу ғишт заводлари бошқармаси областимизнинг кенса корхоналаридан ҳисобланади. Унинг маҳсулот бера бошлаганига олтмиш йилдан ортиқроқ вақт ўтди.

Кейинги йилларда завод бирмунча, оқсаб, қолоқ корхоналар сафига тушиб қолди. Фақатгина ўтган йили пландагига қараганда 8 миллион дона кам ғишт тайёрланиб, топшириқ 85 процент қилиб бажарилди. Белгиланганига қараганда 11 баравар кам 10 минг сўм фойда олинди.

Қатор сабаблар туфайли ана шундай аянчли аҳвол вужудга келди. Республика Қурилиш материаллари саноати министрлиги корхона раҳбарларини бўлар-бўлмасга тез-тез алмаштириб турдилар. Кейинги тўрт йил ичида фақатгина директорлар саккиз марта алмаштирилди. Бунинг устига бир қанча ишлаб чиқариш воситалари эскириб, ремонт талаб бўлиб қолди. Лекин, улар вақтида ремонтдан чиқарилмади. Ишчиларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилашга эътибор сусайиб кетди.

Янги йилнинг бошидан заводда кескин бурилиш ясалди. Заводга тайинланган янги директор Карим Худойбердиев ўзидан илгариги директорлар иш услубини тамомила ўзгартирди.

Янги директор коллектив билан бамаслаҳат иш кўра бошлади. Ишлаб чиқаришдаги аянчли аҳвол очиқ партия йиғилишида муҳокама қилинди. Унда сўзга чиққанлар корхонани қолоқликдан чиқариш ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини айтишди. Йиғилишда мавжуд механизмларни ремонт қилиш муаммога айланиб қолганлиги, ишчилар учун энг керакли бўлган иш қуроллари етишмаслиги, ишчиларни уй-жой билан таъминлаш масаласи эътибордан четда қолганлиги очиб ташланди.

Шундан сўнг бутун коллектив аниқланган камчиликларни тугатиш учун курашга отланди.

Ўтган қисқа давр ичида корхона ишчи-хизматчиларидан 115 кишининг уйи ремонт қилинди. 31 оилага завод ҳисобидан тураржой қуриб берилди. 8 та оилага шахсий уй қуриш учун жой ажратилиб, уларга ҳартомонлама моддий ёрдам кўрсатилди.

Корхона цехларида янги агрегатлар ўрнатилди. Жумладан, «СН—443» маркали ғишт қолиплаш пресси ишга тушди. Шунингдек, битта «Белорусь» трактори, мотовоз, карьердан тупроқ ташийдиган 40 та вагонча ҳамда 250 та ғишт қуритиш вагончаси олинди.

Заводдаги бундай ўзгаришлар ва ишчиларнинг маданий-маиший турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирлар қисқа муддатда ўз самарасини бердиқўйди. Ўтган йилнинг дастлабки саккиз ойидагига нисбатан 5 миллион 550 минг дона ғишт кўп ишлаб чиқарилди.

Шу йилнинг 7 ойига мўлжалланган реализация плани 747 минг ўрнига 810 минг сўмлик қилиб адо этилди. Дастлабки етти ойлик планида кўзда тутилган 28950 минг ўрнига 30257 минг дона ғишт ишлаб чиқарилиб, план 104,5 процент адо этилди.

Завод ишчилари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ҳар бир кубометр печка ҳажмидан унумли фойдаланиш йўлида тинмай изланишяпти. Печканинг ҳар бир кубометр сатҳида 1772 ўрнига 1908 тадан ғишт пиширишни йўлга қўйишди. Шунингдек, ҳар бир прессниг сменадаги иш унумдорлигини 10 процентга кўпайтиришди. Ғишт қуритиш 24 соат ўрнига 22 соатга келтирилди. Ҳар бир ишчи ҳисобига бир ойда ғишт ишлаб чиқариш даражаси 72 минг донадан 110 минг донагача етди.

Ишчиларнинг ўз меҳнатидан моддий манфаатдорлиги ортди олаётган маошлари кўпайди. Ҳар бир ишчининг иш ҳақи пландаги 93 сўм 40 тийин ўрнига 120 сўм 10 тийинга етди. Айрим цехларда ўртача ойлик бундан ҳам юқори. Тўлаган Ҳикматуллаев бошлиқ ғишт пиширишчи цехи ишчиларининг маоши 180 сўмдан 200 сўмгача, Қўчқор Турғунов бошлиқ ғиштни қолиплаш цехи ишчиларининг ўртача ойлиги 140—150 сўмга кўтарилди.

Маҳсулот таннархи ҳам арзонлашди. Агарда 1000 дона ғишт тайёрлаш учун 23 сўм 17 тийин сарфлаш планлаштирилган бўлса, ҳозир 22 сўм 60 тийиндан сарфланяпти. Ўтган 8 ойда таннархни арзонлаштириш ҳисобига 57 минг сўм соф фойда олинди. Шу билан бирга 1500 тонна кўмир, 150 минг киловатт соат электр энергияси тежаб қолинди.

Заводда қўлга киритилган ютуқлар муносиб тақдирланди ҳам. I ва II кварталда қўлга киритилган ютуқлар учун корхонага Ўзбекистон ССР қурилиш материаллари саноати министрлиги ҳамда бинокорлар ва қурилиш материаллари саноати ишчилари касаба союз республика комитетининг кўчма Қизил байроғи ва 2 минг сўмлик пул мукофоти берилди. Бундан ташқари, республика ғишт заводлари ўртасидаги социалистик мусобақада учинчи ўринни эгаллаб яна 2100 сўм пул мукофоти ҳам олишга сазовор бўлишди.

Корхонани қолоқликдан илғорликка кўтаришда В. Холодов, И. Евагин, С. Сотиболдиев, Н. Руденко, С. Эгамбердиев, М. Медведев, Л. Петрухина ўртоқлар каби пешқадам ишчиларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти.

Яқиндагина айрим кишилар ҳаёлида қолоқликдан асло чиқаолмайди деб ҳисобланган бу корхона, эндиликда янгиликларга бой, илғор технологияни ишлаб чиқаришга моҳирона жорий этаётган корхоналар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Унинг меҳнатсевар коллективига келгуси ишларида ҳам катта зафарлар тилаймиз.

М. АБДУВОҲИДОВ.

Тошкент трактор-йиғув заводи 12-цехида смена бошлиғи бўлиб ишловчи Илҳом Раҳимов ёш бўлишига қарамай, жуда кўп шогирдлар тайёрлаган. Улар корхонанинг масъулиятли участкаларида самарали меҳнат қилишмоқда. Суратда: смена бошлиғи Илҳом Раҳимов янги ишга келган Қодиржон Дадабоевга касб сирларини ўргатмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.



ОЛИМ ВА ЁЗУВЧИ

АТОҚЛИ СОВЕТ ЁЗУВЧИСИ САДРИДДИН АЙНИЙ ТУҒИЛГАНИГА 90 ЙИЛ ТЎЛДИ

УСТОЗ ҲАҚИДА

Ҳурматли кекса ёзувчимиз Садриддин Айний ажойиб адиб ва шоир, олим ва тарихчи сифатида совет фани ва адабиётининг атоқли арбобидир.

С. Айний узоқ ҳаётий ва ижодий йўлни босиб ўтган кишидир. С. Айнийнинг биринчи шеъри бундан ярим асрдан кўпроқ илгари— 1895 йилда ёзилган. У, Октябрь революциясидан илгариги бутун ижодида меҳнаткаш халқнинг уқубатли ҳаётини тасвирлади, камбағалларнинг золимларга қарши норозилик туйғуларини баён қилди, инсонпарвар ғояларни тарғиб этди.

Октябрь революцияси Садриддин Айнийга янги ҳаёт ва янгича илҳом бағишлади. Унинг ижодида илғор рус адабиётининг ва айниқса социалистик реализм адабиётининг отаси Алексей Максимович Горькийнинг катта таъсири остида барқ уриб яшнади. С. Айнийнинг Совет ҳокимияти йилларида ёзган барча асарлари Бутуниттифоқ совет адабиётига қўшилган муносиб ҳиссадир.

С. Айний асарлари ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Чунки, у меҳнаткаш халқ билан бирга яшаган, турмушни чуқур ўрганган, шуниндек назарий жиҳатдан камолга етган таланти адибдир. Ленин партиясининг ғоллари Айний ижодининг сиимас қанотлари бўлди. Атоқли адибнинг етук ижоди — Улуғ Октябрь берган озодлик ва саодатнинг, қадрдон оғамиз рус халқи берган мадад ва маданиятнинг бевосита самарасидир.

Зеҳнимизни очган, маърифат берган, ижодий парвоз учун қанот бағишлаган, янги ҳаёт йўлини чароғон қилиб порлатган Ленин партиясини улуғлаш, унинг ҳаётбахш сиёсатини амалга ошириш учун қурашиш — социалистик адабиётимизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. С. Айний совет ёзувчилари авлодининг энг кекса вакилларидан бири сифатида мана шу муқаддас вазифани бажаришга ҳисса қўшди.

С. Айнийнинг романлари, илмий асарлари, тарихий китоблари ва бошқалар совет адабиёти ва фанига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди. Коммунистик партия раҳбарлик ва меҳрибонлик қилгани учун, улуғ рус халқи мададкор бўлгани ва унинг Горький каби устоз ёзувчилари янгича ижод қилиш йўлини кўрсатиб бергани учун ҳам мамлакатимиздаги кўп ёзувчилар ва олимлар қатори Садриддин Айний ҳам илғор, пешқадам олим ва ёзувчилардан бири бўлиш шарафига муяссар бўлди.

Ғафур ҒУЛОМ,

1953 йил, 26 апрель.

АЙНИЙ АДИБЛАР ТАЪРИФИДА

Тажрибакор санъаткор С. Айний ҳамладаги кўра Шарқ халқларининг тарихи ва маданиятини яхши биладиган донишманд сиймодир.

А. А. ФАДЕЕВ.

* * *

Садриддин Айний ўзининг ўлмас асари «Судхўрнинг ўлими» билан ҳам жаҳон адабиётининг буюк намоёндалари — Бальзак, Шекспир, Гётелар қаторида тура олади.

Луи АРАГОН.

* * *

Садриддин Айний фақатгина Сизнинг ёзувчингиз эмас, бизнинг ҳам ёзувчимиздир. Унинг китоблари биз учун гўзал санъат намунасигина бўлмасдан, кўргазмали ўқиш китоби ҳамдир. Бу китоблар совет халқининг ўтмишдаги азоб-уқубатлари ва янги муваффақиятларини акс эттирибгина қолмайди — улар шу ютуқларнинг жонли далиллари ҳамдир.

Юлиус ФУЧИК.

* * *

Мен анчадан буён бу курашчи ва заҳматкашни кўриш ниятида эдим. Унинг асарлари билан танишиш истагимни яна оловлантирди. Охири 1925 йилнинг августида Самарқандда муҳтарам олимни кўришга муяссар бўлдим. Устод уз хонасида китоб ва қўлёзмаларга кўмилиб ўтирар ва қоғозни тиззасига қўйиб ёзарди. Бу «Намуна адабиёти тожик» эди. У қамоқ ва қийноқ азобини бошидан ўтказган, кўр бўлишига бир баҳя қолгани, анча нексайиб қолишига қарамай, тазкира тузишга киришди. Мен кирган вақтда тазкирани оққа кўчираётган эди. Тожик шоирининг у ёки бу қўлёзмасини топиш учун С. Айний кўплаб Бухоро кўчаларида юришга мажбур бўлар, уймауй кезиб китобин топмай қўймасди.

Абдулқосим ЛОҲУТИЙ.

* * *

Доно ёзувчининг биринчи повести «Бухоро жаллодлари»дан тортиб... «Эсдаликлар»игача бўлган асарларида ўз халқининг ҳаётидаги асл ҳақиқатни солномадек аниқ қилиб моҳирона очиб берди.

Ўрта Осиёдаги барча халқлар тарихининг ҳаракатларини кўрсатди.

Мирзо ТУРСУНЗОДА.

* * *

Садриддин Айний асарларини ўқир эканман, кўз ўнгимда беғубор осмондай ўзбек ва тожик Бальзаги намоён бўлди.

Собит МУҚОНОВ.

* * *

Садриддин Айний Шарқнинг машҳур аллома санъаткори. Унинг кишини улуғловчи барча асарлари гўзалликка ва мангулликка чорлайди.

И. С. БРАГИНСКИЙ.

* * *

Садриддин Айний ўз вақтида прогрессив ҳаракатнинг актив иштирокчиларидан бири эди. У маърифат соҳасида озмунча иш қилмади. Айний амир билан бевосита курашда мавжуд тузум зулмининг барча даҳшатларини ўша вақтда Бухорода аёв олган ҳуқуқсизликлар ва қиргинларни ўз бошидан кечирган эди.

Файзулла ХУЖАЕВ.

СЎЗ САНЪАТКОРИ

Садриддин Айний деганимизда кўз ўнгимизда заҳматкаш ва буюк инсон, улкан ёзувчи ва олим, меҳрибон ва дилкаш мураббий санъаткор намоён бўлади. Устод Айнийнинг муборак номини тилга олсак, унинг «Бухоро жаллодлари», «Одина», «Дохунда», «Эски мактаб», «Қуллар», «Судхўрнинг ўлими», «Етим», «Эсдаликлар»и ва бошқа қатор асарлари кўз олдимизга келади. Айний деганимизда ота-она меҳридан эрта ажралган, серташвиш ҳаёт ва турмуш машаққатларига, очлик ва ялангочликка бардош бериб, Бухоро мадрасаларида неча йиллар таҳсил кўрган, ўтмишдаги зулм ва жаҳолат ҳукмронлигига, дин ва бидъат пешволари таъқибига қарамай, илм-маърифат чўққиларини эгаллашга бел боғлаган қурашчи ва шижоаткор инсонни ёдимизга келтирамиз.

У ўтган асрнинг 90-йилларидаёқ маърифатпарвар ва халқпарвар ноир сифатида майдонга чиқди, машҳур маърифатпарвар олим Аҳмад Донишнинг прогрессив ғояларининг давомчиси сифатида ижодининг дастлабки даврларидан бошлабоқ феодал зулм ва жаҳолатни қоралади ва меҳнат аҳлини илм-маърифатга чақирди.

Ёзувчи оммани илм-маърифатга, биринчи навбатда илғор рус маданиятини эгаллашга даъват этувчи шеърлар, мақолалар ёзди. У мадрасадош дўсти Абдулвоҳид Мунзим билан камбағал-йўқсиллар болалари учун янги типдаги мактаблар очиб, ёш авлодни маърифатга бошлади, ўзи очган мактабларга ўқув программалари, дарсликлар ёзди.

Лекин, маърифатнинг ашаддий душмани бўлган Бухоро амири ва унинг лаганбардор дин пешволари Садриддин Айнийнинг янги мактаб очганлиги учун уни таъқиб остига олдилар. Мактаб очганлар ва газета ўқиганларни кофир, деб эълон қилган риёкор руҳонийлар Айний мактабини ёптириб, Абдулвоҳид Мунзимни оламон орасида тошбўрон қилишга ҳозирландилар. Бироқ Мунзим дўстларнинг ёрдамида Бухородан қочиб қутилади. Орадан сал вақт ўтгач, Садриддин Айнийнинг ўзи ҳам амир таъқибидан маълум вақтгача қочиб юришга мажбур бўлади.

1917 йил февраль революциясидан кейин таҳликага тушган амир ва унинг ҳукмдорлари ўзи учун шубҳали бўлган барча кишиларни хибса олди ва жазолади. Садриддин Айний ҳам амир фармони билан 75 дарра қалтакланиб, зиндонга ташланди. Амирнинг бу ноҳақ жазоси Айнийни жаҳолатпараст амирлик тузумига бўлган ғазаб ва нафратини янада кучли алангалатди. Амир жаллодлари С. Айнийнинг укаси Бухоро маърифатпарварларидан мулла Сирожни ваҳшийларча ўлдирадилар. Ёзувчи 1918 йилда бу ваҳшийлик ва золимликка қарши ўзининг машҳур марсиясини ёзди.

Адибни ўлим зиндонидан Октябрь инқилобининг знёбахш нури озод қилди. Инсоният тарихида янги давр яратган Октябрь революцияси Айнийга иккинчи ҳаёт бахш этди. Октябрь революциясини қирқ ёшида кўздаги севинч ёшлари билан қарши олган санъаткор эндиликда чинакам озод ҳаёт ва эркин ижод қилиш бахтига муяссар бўлди. У ўзининг бутун таланти, ижодий ғайрат ва ташаббусини революция бунёд этган янги ҳаёт ғалабасини қўйлашга қаратди.

Революциянинг бўронли йиллари ва гражданлар урушининг алангали дамларида у «Ҳурият марши», «Байналминал марши», «Кунчиқарларга хитоб», «Октябрь инқилоби шарафига» каби қатор тожикча ва ўзбекча маршлар, шеър ва қўшиқлар ҳамда публицистик мақолаларни яратди.

Садриддин Айний Самарқандда очилган биринчи совет мактабида ўқитувчилик қилди. Тожик ва ўзбек адабиётидан дарс берар экан, мактаблар учун қатор ўқув программалари ва дарслик китоблари ёзди. У вақтли матбуот соҳасида ҳам актив журналист сифатида кўп ишлар қилди.

Айний йигирманчи йилларда «Бухоро жаллодлари», «Одина» каби повеслар яратди.

Уттизинчи йилларда эса ўзбек ва тожик совет адабиётлари тарихида муҳим ўрин эгаллаган машҳур «Қуллар» романини яратди. Адибнинг бу йирик асари Ўрта Осиё халқларининг бир асрдан знёдроқ тарихий ҳаётини ҳар томонлама мукаммал ифодалашга қаратилган. Ёзувчи «Қуллар» романида ўтмишда Ўрта Осиёда ҳукмрон бўлган қуллик системасини қаттиқ қоралади. У асарнинг марказий қаҳрамони сифатида меҳнаткаш халқ оммаси ҳаётини тасвирлашни биринчи планга қўйди. Адибнинг «Қуллар» романи Бутуниттифоқ Совет ёзувчиларининг биринчи съездига тайёрлаган энг яхши совғаси эди.

Айний съездда улуғ пролетар ёзувчиси Максим Горький билан учрашди ва у билан суҳбатлашди. Горькийни ўзига устоз деб билган Айний ўз ижодида ундан социалистик реализм методларини ўрганди, ўз ижодида Горький традицияларини давом эттирди. Айний кейинчалик бу улуғ санъаткор тўғрисида қуйидагиларни ёзди: «Мен биринчи марта унинг «Болалик», «Одамлар орасида» деган асарларини ўқидим ва бу китоблар менда сира унутилмас таассурот қолдирди. Чунки бу асарларда менинг ҳаётимни эслатадиган нарсалар кўп эди. Бу асарлар менинг келгусидаги ижодий фаолиятимга таъсир этди. Горькийнинг повестлари ва ҳикояларида мен янги образлар учратдим, қаҳрамонларга характеристика беришни улардан ўргандим, ўз асарларимда халқ ҳикоялари ва эртакларидан фойдаланишни ҳам Максим Горькийдан ўргандим».

Бухоро амирлиги ҳукмронлик қилган даврдаги йирик ер эгалари, текинхўр судхўрлар ва барча жаҳолатпараст пасткам золимларнинг кирдикорларини фош этишга қаратилган «Судхўрнинг ўлими» номли повесть ҳам адабиётимизда катта янгилик бўлди. Ёзувчининг бу қиссаси жуда кўп дунё халқлари тилларига таржима қилинган. Жумладан, «Судхўрнинг ўлими»ни француз тилига мукаммал таржима қилган ва унга сўз боши ёзган француз адабиётининг йирик намояндаси Луи Арагон: «Садриддин Айний ўзининг ўлмас асари «Судхўрнинг ўлими» билан ҳам жаҳон адабиётининг буюк намояндалари Бальзак, Шекспир, Гётелар қаторида тура олади» деб ёзган эди.

Ёзувчи ўзининг романлари, повесть, ҳикоя ва публицистик мақолаларида воқеликни революцион тараққиётда кўрсатишга алоҳида аҳамият берди. Бу жиҳатдан унинг революцион тарихий-мавзуъда ёзган «Дохунда» романи ғоят характерлидир. Қарийб ярим асрлик тарихий воқеаларни ўзида мужассамлаштирган «Дохунда» романида Бухоро амирлиги ҳукмронлиги даврида зулм кўрган, жабру-жафо тортган Ўрта Осиё халқлари, жумладан тожик ва ўзбек меҳнаткашларининг аянчли ва уқубатли ҳаёти ака-ука Бозор, Сафар ва Бозорнинг ўғли Ёдгорнинг севгилиси камбағал қиз Гулнор образлари орқали ёрқин тасвирланган. Бозор, Сафар, Ёдгор ва Гулнорлар образи ўтмишда қоронғуликда яшаган, жабру жафо чеккан миллион-миллион ўзбек ва тожик заҳматкашларининг умумлашма образи эди.

Садриддин Айний ўзининг катта-кичик барча асарларини икки тилда — тожик ва ўзбек тилида ёзди. Бунда у классик адибларимиз Навоий, Фузулий, Муқимий, Фурқат Карим Девона, Тошхўжа Асирий каби шоирларимизнинг икки тиллилик анъаналарини давом эттирди ва уни интернационализм руҳига мослаштирди.

Садриддин Айний моҳир тарихчи ва шарқшунос олим сифатида ҳам катта илмий-тадқиқот иш олиб борди. Унинг 20-йилларда ёзган «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар», «Бухоро мангит амирликларининг тарихи» номли тарихий очерклари Бухоро тарихини ўрганишда муҳим қимматга эгадир.

Адиб ўзининг 1926 йилда Москвада нашр эттирган «Тожик адабиётидан намуна» номли китобида форс-тожик ва ўзбек адабий меросининг минг йиллик бой обидаларини тиклади. Бунда у Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Жомий, Аҳмад Дониш каби 250 га яқин шоир ва мутафаккир қаёти ҳамда ижоди тўғрисида кенг ва атрофлича маълумот беришга муваффақ бўлади. Шарқшунос олимнинг Абу Али ибн Сино, Фирдавсий, Навоий, Камол Хўжандий, Саъдий, Зайниддин Восифий, Бедил каби мутафаккирлар ҳаёти ва ижодига бағишлаб ёзган монографиялари, илмий мақолалари ҳам тожик ва ўзбек адабиётшунослигига қўшилган муҳим ҳиссадир.

Садриддин Айний томонидан қолдирилган адабий мерос жуда бой ва ранг-барангдир. Унинг китобхон қалбини мафтун этувчи романлари, повестлари, очерк, ҳикоя ва мақолалари бунёдкор совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда.

Айнийнинг 8 томли танланган асарлари ўзбек тилида ва 15 томли ингма асарлари эса тожик тилида нашр эттирилди. Адибнинг деярли кўпгина асарлари Иттифоқимиз халқлари ва хорижий мамлакат халқлари тилларига таржима қилинган.

Совет жамоатчилиги ва бутун прогрессив инсоният совет адабиётининг улкан вакили, машҳур ёзувчи ва олим Садриддин Айний туғилган кунининг 90 йиллигини кенг нишонламоқдалар. Улуғ адиб ўз асарлари билан халқлар қалбида абадий барҳаётдир.

Мажид ҲАСАНОВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институти илмий ходими.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ ОЛДИДАН

ДЕҲЛИ, 16 октябрь. (ТАСС БТИ агентлиги хабар беради) Ҳиндистон информация ва радиоэшиттириш министрининг ўринбосари Нандини Сатпати 18 октябрда Москвада очиладиган ҳинд фильмлари ҳафталигида қатнашувчи Ҳиндистон делегациясига бошчилик қилади.

Нандини Сатпати Осиё ва Африка мамлакатларининг Тошкентда ўтказиладиган биринчи халқаро кинофестивалида ҳам Ҳиндистон делегациясига бошчилик қилади.

КАСАБА СОЮЗЛАР ФЕДЕРАЦИЯСИ МУРОЖААТИ

ХАНОЙ, 16 октябрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам озодлиги учун курашувчи касаба союзлар федерацияси Вьетнам қаҳрамони Нгуен Ван Чой ҳалок бўлган кунинг 4 йиллиги муносабати билан мурожаат эълон қилди. Федерация бу мурожаатда, деб хабар беради Вьетнам Информация агентлиги Озодлик агентлигининг маълумотларига асосланиб, Жанубий Вьетнам ишчилар синфини ва барча меҳнаткашларини янги ғалабаларга даъват этди.

Мурожаатда таъкидлаб ўтиладики, Жанубий Вьетнам меҳнаткашларининг сўнгги тўрт йил мобайнидаги, айниқса сўнгойлардаги ҳужумлари Қўшма Штатлар ўтказаётган ялпи уруш сиёсатининг барбод бўлишига олиб келди, Америка империалистлари ва уларнинг малайларининг агрессив ҳамда хоинлик ҳарактерини жаҳон афкор оммаси олдида фош қилиб ташлади.

Мурожаатда Жанубий Вьетнам ишчилари ва меҳнаткашлари Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти ва халқ революцион партияси раҳбарлигида барча қийинчиликларни бартараф қилиб, Жанубий Вьетнамдаги бутун халқ билан бирга катта ҳужумни ривожлантиришга, халқ урушини кенгайтиришга, ҳокимиятни қўлга олишга, халқ озодлик қуролли кучлари билан бирга бўлиб туриб, Америка ва қўғирчоқ ҳукумат қўшинларига зарба беришга даъват этилади.

ЯНА ИҒВОГАРЛИК

АММОН, 16 октябрь. (ТАСС). Кеча Исроил ҳарбийлари ўт очиш тўхтатилган Иордания чегарасига қараб яна ўқ уза бошладилар. Исроил агрессорлари тушдан кейин Иордан дарёси водийсидаги король Ҳусайн Кўприги районида Иордания қўшинлари позициясига қараб тўп отди. Иордания томони бунга жавобан ўқ уза бошлаганидан кейин исроиллик босқинчилар танклар ва миномётларни ишга солдилар. Иордания ҳарбий қўмондонлиги вакилининг хабар беришича, маҳаллий вақт билан соат 17.00 да ҳам отишма давом этаётган эди. Иордания томони талафот бермади.

ИТАЛИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

РИМ, 16 октябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Италия Коммунистик партиясининг бўлажак XII съездига тайёргарлик кўриш масаласига бағишланган Италия Компартияси Марказий Комитетининг пленуми очилди. Пленумда Италия Компартияси раҳбарлигининг аъзоси Алессандро Натта доклад қилди.

Ж. САМБУНИНГ ИНДОНЕЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИГА ЮБОРГАН ТЕЛЕГРАММАСИ

УЛАН-БАТОР. (ТАСС). Монголия Халқ Республикаси буюк халқ ҳурали президиумининг раиси Ж. Самбу Индонезия президенти генерал Сухартога телеграмма юборди. Мазкур телеграммада бир группа Индонезия ватанпарварларини авф этиш ҳақидаги талабни Индонезия ҳукумати рад этганлиги Монголия халқини ғоят ташвишга солди, деб таъкидланади. Монамэ агентлиги шуни хабар қилди.

Жаҳон прогрессив жамоатчилиги, дейилади телеграммада, ҳукмнинг ижро этилиши айрим кишиларнинг тақдиригагина тегишли бўлиб қолмай, Индонезиянинг миллий манфаатларига ҳам жиддий шикаст етказади.

Ж. Самбу Монголия халқи номидан ва шахсан ўз номидан генерал Сухартони инсонпарварлик ва давлат донишмандлиги кўрсатиб, ўлим жазосини бекор қилишга Ецамда маҳкум қилинганларнинг ҳаётини сақлаб қолишга даъват этади.

КАМБОДЖА ҲУКУМАТИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

НЬЮ-ЙОРК. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги Камбоджа доимий вакиллиги Америка-Жанубий Вьетнам ва Таиланд қўшинлари томонидан Камбоджага қарши қилинган янги қуролли иғвогарликлар хусусида хавфсизлик кенгаши раисига иккита мактуб йўллади.

Мактубларда айтиладики, 2, 3, 22 ва 25 август кунлари Америка—Жанубий Вьетнам қўшинлари Свайриенг, Кандал ва Прейвенг вилоятларида Камбоджа территориясини ўққа тутдилар. Бунинг натижасида яраланган кишилар бор ва моддий зарар етказилди. 20 августда Таиланд солдатларининг бир группаси Камбоджа территориясига бостириб кириб, Камбоджанинг Баттамбанг вилоятида тинч деҳқонларни ўққа тутди.

Камбоджа ҳукумати мана шу агрессия ва террорчиликка қарши кескин норозилик билдирди.

МАЛИ РЕСПУБЛИКАСИ. Миллий озодлик кураши йўлида ҳалок бўлган ватанпарварларга Бамако шаҳрида ўрнатилган ёдгорлик.
В. Корочанцев фотоси. (ТАСС).

СМИТ МАМНУН

ДОРУССАЛОМ, 16 октябрь. Солсбериданолинган хабарда айтилишича, кеча у ерда Родезия «министрлар кабинети»нинг мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлис Смитнинг Англия бош министри Вильсон билан олиб борган музокаралари якунларини муҳокама қилиш учун чақирилган.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

ҚИТЪАЛАР УЧРАШГАНДА

Шу йил 21 октябрдан 31 октябргача гўзал пойтахтимизда Биринчи Халқаро Тошкент—Осиё ва Африка мамлакатлари кинофестивали бўлиб ўтади. Тинчлик учун, халқларнинг социал тараққиёти ва озодлиги учун шиори остида ўтадиган бу улкан киноанжуманда икки қитъа киносанъаткорлари билан биргаликда Австралия, Америка ва Европа мамлакатларининг кинематографчилари ҳам Африка ҳамда Осиё халқлари озодлиги ҳаракатига бағишланган фильмлари билан қатнашишади.

Тошкент Халқаро кинофестивалининг тарбиявий ва маъривий роли, халқлар орасида дўстлиқ ва тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги улкан аҳамияти нақадар улуғлигини тасаввур қилиш уччалик қийин бўлмаса керак. Айниқса қўшни ва қардош мамлакатларнинг урф-одатлари, турмуш ва маданият, фан ва техника даражаси билан яқиндан танишиш имкинлиги қувончли ҳолдир.

Қуйида муҳтарам газетхон Тошкент Халқаро кинофестивалига қатнашиш учун розилик берган киносанъаткорлар ва уларнинг фильмлари ҳамда Матбуот марказининг фаолияти билан танишади.

* * *

Шу кунларда серқуёш республикамиз пойтахтидаги Киров кўчасидан ўтган киши беихтиёр янги қад кўтарган муҳташам бино олдида тўхтайди. Бу республика Билим уйи. Ҳозир Тошкентдаги энг шинам, энг гўзал, энг замонавий ҳисобланган бу бино Осиё ва Африка кинофестивали бош дирекцияси ихтиёрига бериб қўйилган. Бино пештоқига фестивалнинг улкан эмблемаси ўрнатилган. Унинг атрофига араб ва инглиз, ўзбек ва рус, немис ва француз тилларида битилган турли плакат ва афишалар ёпиштирилган. Бу ерга келиб кетаётган автомашиналар, кириб-чиқаётган кишиларнинг санаб ҳисобига етиб бўлмайди.

Бино ичига кирганч, чап қанот бўйлаб кетган узун йўлакдаги эшиклар киши эътиборини тортади. Уларга ёпиштириб қўйилган «Секретариат», «Таржимонлар группаси», «Матбуот маркази», «Программа тузувчилар», «Реклама бўлими» каби ёзувларни ўқиганч, эшикларнинг дам ўтмай очилиб-ёпилишидан бу ерда олиб борилаётган иш кўлами нақадар улканлиги дарҳол маълум бўлади-қолади. Бу ерга узукун дунёнинг деярли барча бурчакларидан хат ва телеграммалар, илтимоснома ва табриклар, таклиф ва мулоҳазалар келиб турибди. Мана улардан бир нечаси:

Сатьятжит Рей — ҳинд кинорежиссери — Халқаро фестивалингиз катта муваффақият қозонишига шак-шубҳа йўқ.

Корейси Курахара — японияник режиссер — Бу фестиваль кинематограф ривожига сўзсиз улкан ҳисса қўшади. Шунинг ўзиёқ бизни чексиз қувонтирмай қўймайди.

Ол Ралхон — продюсер, Ҳиндистон—Фестиваль ўтказиш ташкилий комитетига самимий табригимизни йўллаш билан бирга бу улкан киноанжуманда қатнашбиз учун катта шараф эканлигини қайта-қайта таъкидлаймиз.

Иброҳим Жалис — покистонлик сценарийнавис ва журналист—Тошкент кинофестивалига таклиф этилганимдан гоят мамнунман. Тошкент шаҳрида ҳамкасб дўстларим билан тезроқ учрашишга ошиқмоқдаман.

Шундай қилиб фестивалга тайёргарлик ниҳоятда қизғин юборилди. Тошкентнинг энг яхши кинотеатрларидан саккизтаси фестиваль фильмларини намойиш қилиш ва киносанъаткорлар билан учрашувлар ўтказиш учун ажратилди. Булар орасида Санъат саройи, Ғафур Ғулом номли, «Москва», «Чайка», «Дружба» кинотеатрлари ҳам бор. Москва ва Ленинград, Киев ва Самарқанд, Одесса ва бошқа шаҳарлардаги турли корхона ҳамда муассасалар фестиваль буюртмалари тайёр бўлганлиги ҳақида маълум қилдилар. Тошкент офсет фабрикаси, сопол ва чинни заводлари, заргарлик ва совғалар тайёрловчи устахоналар, бадиий буюм ишлаб чиқариш комбинати ёзувчилар, рассомлар, журналистлар, кинематографчилар билан бирга фестивалга тайёргарлик кўришмоқда.

Фестивалда қатнашган фильмларнинг барчасига фахрий дипломлар топширилиши маълум қилинган эди. Шунга қарамай қатор совет жамоат ташкилотлари энг яхши фильм ва сценарий учун, энг яхши режиссура ва операторлик учун, энг яхши ижро этилган эркак ва аёл роли учун бериладиган эсдалик совғаларини таъсис этишга қарор қилдилар. Ҳозирча бу ҳақда қарор қилган ташкилотлар — СССР кинематографчилар союзи, СССР Ёзувчилар союзи, СССР Журналистлар союзи, чет мамлакатлар билан маданий алоқалар қилиш ва дўстлик жамиятлари бирлашмаси. Совет тинчликни ҳимоя қилиш комитети, Осиё ва Африка мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш Совет комитети, Совет хотин-қизлар комитети ҳамда «Искусство кино» ва «Советский экран» журналлари эканлиги маълум бўлди.

Шу кунгача Тошкент кинофестивалида қатнашиш учун розилик билдирган мамлакатларнинг сони қариб қирқдан ошди. Улар орасида кинематографияси умумжаҳон миқёсида тараққий этган мамлакатлар — Ҳиндистон, Япония, Бирлашган Араб республикаси ҳамда кино санъати эндигина ривожлана бошлаган Марокаш, Тунис, Гана, Малайзия каби мамлакатларнинг борлиги қувончли ҳолдир. Айниқса фестиваль кунлари Тошкентда «Совэкспортфильм» ташкил қиладиган кино бозори катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу бозорда барча мамлакатлар истаган совет ёки чет эл фильмларини сотиб олишлари мумкин.

* * *

Фестиваль Совет Шарқи кинематографиясининг улкан кўриги сифатида ҳам муваффақият қозониши кутилмоқда. Бунда тўққиз бадиий фильмлар студияси ҳамда ўн икки хроникал-ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студияси фестиваль қатнашчилари сифатида иштирок этишади. Булар «Узбекфильм», «Тожикфильм», «Туркманфильм», «Қирғизфильм» «Қозоқфильм», «Арманфильм», «Грузияфильм», «Озарбайжонфильм» ва Свердлов бадиий фильмлари киностудиялари ҳамда Закавказье, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари, ғарбий Сибирь, Шарқий Сибирь, Узоқ Шарқ хроникал-ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлари студияларидир. Мазкур киностудиялар ўзларининг энг яхши асарларини томошабинлар муҳокамасига ҳавола қилишади.

Ўзбек кинематографчилари ўзларининг икки янги фильмлари билан қатнашишга қарор қилдилар. Булар — СССР халқ артисти Комил Ерматов режиссёрлик қилган «Инқилоб чавандозлари» бадиий фильми ва ёш, истеъдодли кинорежиссёр Али Ҳамроев бошчилигида яратилган «Дилором» фильм-операсидир. Бу фильмларнинг танланиши бежиз эмас, албатта. Уларнинг бири узоқ ўтмишимиз ҳақида ҳикоя қилса, иккинчиси озодлик йўлида кўрсатган жонбозлигимиз, қаҳрамонона кураш йўлимиз билан таништиради.

Фестивалда устоз Навоийнинг «Сабъан сайёр» достони асосида суратга олинган «Дилором» фильмоперасининг намойиш қилиниши айниқса қувончлидир. Чунки ниҳоят ўзбек кинематографи ўзи учун яна бир янги жанр билан бойиди. Тўнғич фильм—операмизни яратишда тажрибали санъаткорларимиз Зикир Муҳаммаджонов, Раззоқ Ҳамроев, Комил Яшин (сценарий муаллифи), Мухтор Ашрафий (фильм композитори), Эдуард Қаландаров (постановкачи — рассом)лар билан бир қаторда истеъдодли ёшларимиздан Гули Ҳамроева, Шуҳрат Эргашев, Ҳамза Умаров, Бахтиёр Ихтиёров, Жавлон Ҳамроев, Ф. Шарипова, Ҳатам Файзиев (фильм оператори)лар ҳам катта жонбозлик кўрсатишди. Картинадаги вокаль партияларни республикамизнинг энг яхши опера қўшиқчиларидан С. Қобулова, С. Ярашев, С. Бениаминов, Н. Ҳошимов, С. Воҳидов, О. Кучликова ва бошқалар ижро этишган.

Машҳур «Осиё устида бўрон» фильмининг узвий давоми бўлмиш «Инқилоб чавандозлари» 1918—20 йилларнинг кескин воқеалари — Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ҳамда уни ҳар тарафлама мустаҳкамлаш йўлида олиб борилган курашлар ҳақида жонли, сермазмун лавҳалар орқали ҳикоя қилади.

Фестивалда тожик дўстларимиз «Судхўрнинг ўлими», қирғизистонлик кинематографчилар «Болалигимиз осмони», туркманистонликлар «Махтумқули», «Дадил қадам» фильмлари билан қатнашишади.

М. ЯҲЁЕВ,
М. МИРАЛИЕВ.

Суратларда: (юқоридан чапда) «26 Боку комиссарлари» ва (ўнгда) «Воғга етмаган келин» кинофильмларидан кўриниш.

МАТБУОТ — ОММАГА

ХУШХАБАРЧИ

Эшигингизни деярли ҳар куни эрта билан кимдир тақиллатади. Сиз ҳам бунга кўникиб қолгансиз. У кишини одоб юзасидан ичкарига таклиф этасиз. Лекин унинг вақти йўқ. У ҳали яна қанча-қанча хонадон эшигини қоқиши, янги хушхабар олиб бориши керак. У яна йўлида давом этади...

Саратоннинг оловли жазирамаси-ю, кишнинг қирчиллама совуғида ҳам елкасида сумка. Ҳамқишлоқлари уни ифтихор билан, бизнинг хушхабарчимиз, дейишади.

Ориф Қаюмов ана шунақа. 30 йилдан буён елкасида газета-журнал солинган сумка билан эшик қоқади. Э-ҳа, шу давр ичида у қанчалаб хонадонларга нур, севинч олиб кирмади, дейсиз. 60 баҳорни кўрган нуроний бу отахон ҳали дам олиш ҳақида ўйламайди ҳам. Ўғли Муроджоннинг «ота, энди бўлар, дам олинг, бизнинг соямизда роҳат қилиб ўтиринг» деган қистовига ота шундай жавоб беради:

— Бекордан ҳамма безор, ўғлим, дейди, — Ҳали кучқувватим бор экан, сумкани ташламайман. Хонадонларга олиб келган мактубим одамлар чеҳрасида табассум уйғотса мен шунчалик ўзимни бардам сезаман.

Ҳимматингизга офарин, отахон!

М. НАБИЕВ,
Оржоникидзе район Киров номли колхоз.

ҚИШЛОҚ СПОРТЧИЛАРИ

Мана бир неча кундирки, бу хўжалик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширяпти.

1500 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 23 центнердан ҳосил кўтарган азаматлар давлатга 3150 тонна дур сотишди.

Фақат районда эмас, балки областда биринчилар қаторида маррага етиб келган ана шу хўжаликнинг спорт ишлари ҳақида шу ўринда ҳикоя қилмоқчимиз.

Хўжаликда меҳнатга яроқли бўлган 876 кишининг 300 га яқини спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланади.

Қишлоқ аҳлини спортга жалб қилишда физкультура инструктори, тиниб-тинчимас спорт жонкуяри Икромжон Абдужаббороннинг хизмати катта. Колхоз правленнеси, партия ташкилоти спортчиларнинг истакларига ҳамиша қулоқ солади, зарур шарт-шароитлар яратиб беради, спорт инвентарлари билан таъминлашга ҳаракат қилади. Колхоз раиси Эгамназар аканинг ўзи спортни жони-дилдан севади, бўш вақтини волейболчилар, футболчилар ва курашчилар билан ўтказади.

«Пахтакор» жамияти марказий Советида ҳам бу хўжалик спорт ишлари ҳақида илиқ сўзлар эшитиш мумкин. Республика қишлоқ спорт жамияти президиуми колхоз спортчиларининг тадбирларини маъқуллаб махсус қарор қабул қилгани ҳам бежиз эмас. «Пахтакор» жамияти бу колхоз спортчилари тажрибасини оммалаштириш, бошқаларни ундан ўрганишга чақирди.

Коллективда футбол, волейбол, велоспорт, шахмат-шашка, енгил атлетика ва бошқа спорт секциялари мунтазам ишлаб турибди. Бригадалар ва участкаларо тез-тез мусобақалар ўтказиб турилади. Шу йилнинг ўзида енгил атлетика бўйича 27 разрядли спортчи тайёрланди. Разрядли футболчилар сони ҳам 12 кишига ортди. Шахматчилар, волейболчилар, жамоатчи инструкторлар, спорт судьялари сафи кенгайди.

Яхши спорт ишоотига эга бўлмай туриб, моҳир спортчилар тайёрлаш мумкин эмас. Буни яхши тушунган бошланғич физкультура ташкилоти колхоз правленнеси оталигида, жамоатчи ёшлар пижоати билан янги футбол, волейбол майдонлари бунёд этишяпти. Яқинда яна иккита футбол майдони қурилди. Энди улар тўрттага етди. Бир колхозда тўртта футбол майдони бўлиши жуда катта гап. 100 дан ортиқ ёшлар футболга меҳр қўйган. Бошқача қилиб айтганда, колхозда 9-та футбол командаси тузиш мумкин.

«Пахтакор» жамияти марказий Совети фахрий ёрлиғини олган колхоз физкультурачилари спортни янада оммалаштиришга интилмоқдалар. Уларнинг бу ибратли ишидан райондаги кўп хўжаликлар ўрнак олса арзийди.

Бу гап айниқса, Дзержинский номли колхозга тааллуқли. Бу хўжаликда спортга уччалик эътибор беришмайди. Физкультура инструктори штати бошқа мақсадларда фойдаланилган жойда спорт ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Колхоз правленнеси йил бошида футбол майдони қуриш ҳақида қарор қабул қилган эди. Лекин, ҳамон майдон қурилиши бошланганн йўқ.

Шунингдек, 3-«Далварзин», «Октябрь 46 йиллиги» шоликорлик совхозларида ҳам физкультура инструктори штати бошқа мақсадларда фойдаланилмоқда.

Районда 57 физкультура коллективи бор. Буларда 10 мингдан зиёд ёшлар ўзлари севган спорт тури билан шуғулланмоқдалар. Фақат шу йилнинг ўзида 1100 дан ортиқ разрядли спортчилар, 183 спорт судьяси, 201 жамоатчи инструктор тайёрланди, кўплаб спорт майдонлари ва заллари қурилди.

«Победа» колхози спортчилари райондаги ана шу физкультура коллективларига ўрнак бўлиб, энг олдинги сафда боряпти.

Ш. УМУРЗОҚОВ.
Бекобод райони.

МЕКСИКА. Спорт шинаванда лари совет олимпия қатнашчилари га зўр қизиқиш билан қарамоқдалар. Суратда: совет спортчилари дан (чапдан ўнгга) В. Ильин, С. Воронин ва А. Сошин мексикалик болаларга автографлар беришмоқ да.

В. Шандрин ва С. Преобра женский телефотоси. (ТАСС).

МЕХИКО ХАБАРЛАРИ

16 октябрь куни узоқ Мехикода Совет Иттифоқининг улуғвор гимни икки бор янгради.

Ригалик найза улоқтирувчи Янис Лусиснинг ғалабасига ишонган эдик. Хизмат кўрсатган спорт мастери, Европанинг икки карра чемпиони, Токио олимпиадасининг учинчи мукофотчиси кейинги вақтларда ўз маҳоратини тинмай ошириб борди ва қитъа ҳамда жаҳон рекордлари қўйди. Мехикода ҳам у ишончли оқлади. Янис Лусис улоқтирган найза энг узоққа — 90 метр-у 10 сантиметрга бориб тушди. Совет спортчиси янги олимпиада рекорди қўйди. Бу рекорд унга олимпиаданинг олтин медалини келтирди.

Биз талантли штангачи Виктор Куренцовнинг ғалабасига ҳам зўр умид боғлаган эдик. Ярим ўрта вазнли бу полвон Токио олимпиадасида кумуш медаль олган эди. Кейинги тўрт йил мобайнида Куренцов тенгсиз муваффақиятларга эриша бошлади. Икки марта жаҳон чемпиони бўлди. Сўнгги йилларда у 21 марта жаҳон рекордига тузатиш киритди. Рекордларга сахий бўлган москвалик армиячи олимпиада олдидан Дубна шаҳрида ўтказилган мусобақада уч курашда ҳайрат қоларли натижага эришди. Умумий 482,5 килограммлик тошни кўтариб ўзининг жаҳон рекордини 10 килограммга оширди.

Виктор Куренцов Мехикода бу натижани такрорламаган бўлса ҳам унга яқин келадиган рақиб топилмади. Куренцов уч курашда 475 килограмм оғирликдаги тошни кўтариб олтин медаль билан тақдирланди. Чемпион яқин рақибини 20 килограмм орқада қолдириб кетди. Куренцов бу ерда яна бир жаҳон рекорди ўрнатди. У толчокда 187,5 килограмм натижа кўрсатди.

Шу куни яна бир спортчимиз хурмат шоҳ супасига кўтарилди. Бу саратовлик енгил атлетикачи Наталья Бурдадир. Наталья 400 метрга 52,2 секундда келиб, учинчи ўринни ва бронза медалини олишга сазовор бўлди. У кўрсатган натижа мамлакатимизнинг янги рекорди ҳамдир.

200 метрга югуришда Америка Қўшма Штатларининг вакили Томас Смит маррага биринчи бўлиб келди. У 19,8 секунд натижа билан олимпиада чемпиони бўлди.

Суратда: Янис Лусис.
В. Ун Да-син фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

„Б" КЛАССИДА

«Б» класси Ўрта Осиё командалари мамлакат биринчилиги мусобақаларини якунлаш арафасида турнбдилар. Областимизнинг «Свердловчи» командаси сўнгги тур олдидан «Абрешимчи» футболчилари билан учрашди. Колхоз футболчилари бу сафар ҳам эҳтиёткорлик билан ўйнадилар ва учрашувни 1:1 ҳисобида дуранг килиб тугатдилар. Энди «Свердловчи» 41 ўйиндан 60 очкога эга бўлди. Шу куни Қирғизистоннинг «Химик» командаси билан сафарда ўйнаган «Самарқанд» футболчилари мағлубиятга учрадилар. Ҳисоб 2:1. «Оқ олтин» эса «Ирригатор»дан егилди—0:1.

Шундай қилиб Свердлов колхози футболчилари мавсум тугамасданоқ зона ғолиби бўлдилар.

«Ташавтомаш» командаси «Чегарачи»ни қабул қилиб, 1:0 ҳисобида ғалабага эришди. Турнир жадвалининг сўнгги ўрнида келаётган «Бекобод» коллективи Қўрғонтепанинг «Пахтакор» футболчилари устидан 3:1 ҳисобида ғалабага эришди. «Оққўрғон» ўз майдонида «Янгиер»га ютқазиб қўйди — 0:2.

«Б» класс командалари 25 октябрда чемпионатга якун ясайдилар.

Редактор ўринбосари
Т. РАСУЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00—**Қармоқ** (болалар учун кинофильм), 18.10 — **Телеянгиликлар**, 18.25 — **Пионервожатийларнинг сиртқи мактаби**, 18.50 — В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан. **Ленин ва Туркистон**, 19.10 — **Фильм-концерт**, 19.50 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 19.55 — **Телеянгиликлар**, 20.10 — **Ғаниматдамлар** (пахтакорлар учун), 20.30 — **Устод Айний** (туғилган кунининг 90 йиллигига), 21.45 — ВЛКСМнинг 50 йиллиги олдидан. **Замондошимиз образи экранда.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — **Самбо бўйича СССР биринчилиги** (репортаж), 20.30 — **Дўстларимиз эстрадаси** (ўзбек тилида), 21.10 — **Телевизион комедия**, 21.50 — **Тентак** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 18/X да **Корсар.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/X да **Алишер Навоий**, 19/X да **Бўрон қуши.**

КИНО

Инни ўртоқ хизматда — «ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Оскар — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Қора қузғунлар — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Софья Перовская — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Чангда қолган гул (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

«Авлиё Январий» операцияси — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Тереза ДУРОВА раҳбарлигида ўргатилган ҳайвонлар группасининг
ҲАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ
Томошалар ҳар куни кеч соат 8 да, шанба куни 12 ва кеч 8 да. Якшанба кунлари уч марта—кундуз 12, 3 ва кеч 8 да бошланади.
Билетлар сотилмоқда.

«ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИ МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА
19 октябрь кундуз соат 5 да «ЭНЕРГЕТИК» (Душанба) — «ПОЛИТОТДЕЛ» (Тошкент области) **командалари ўртасида «А» класси биринчилиги учун**
ФУТБОЛ

КУТУБХОНА, КОРХОНА МУАССАСАЛАР ДИҚҚАТИГА!
«Союзпечать» органлари **1969 йилда** кутубхона, ўқув залларида фойдаланиш учун газета ва журналларга
ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ
давом эттирмоқда.
Заявкалар қабул қилишнинг сўнгги муддати — 20 октябрь. Кўрсатилган муддатдан сўнг ёзилган заявкалар 1969 йилнинг кейинги ойлари ҳисобига киради.
Узбекистон ССР Алоқа Министрлиги «Союзпечать» бошқармаси.

МАРҒИЛОН ЕҒОЧСОЗЛИК ЗАВОДИГА
III ва IV разрядли дурадгорлар, бўёқчилар, электриклар, шофёрлар, тракторчилар, юкчилар, ёғоч арраловчи цех ишчилари, темирчи
КЕРАК
Бир йиллик муддатда квартира берилади.
Маргилон станциясига мурожаат қилинсин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 835212, Редактор ўринбосарлари — 835885, 836232, Масъул секретарь — 834808, Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936, Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — 835811, Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761, Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Эълонлар бўлими — 838142, Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Р. 08826 ИНДЕКС — 6469. № 01967.